

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
ХУСУСИЙЛАШТИРИШ, МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ ВА
РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

89 «Тошавтобустрас» акциядорлик компанияси автобус паркларининг давлат акция пакетларини ёпиқ ким-ошди савдоларида сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 20 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1715-1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 ноябрдаги ПФ-4483-сон «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, 2013 йил 9 октябрдаги ПҚ-2048-сон «Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги 374-сон «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2013 йил 13 ноябрдаги 308-сон «Шаҳар йўловчи ташиш транспорти тизимини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларига асосан Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси ва Молия вазирлигининг 2007 йил 18 июндаги 01/10-18/09 ва 52-сон «Тошавтобустрас» акциядорлик компанияси автобус паркларининг давлат акция пакетларини ёпиқ ким-ошди савдоларида сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1715, 2007 йил 7 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 35-36-сон, 375-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор «Тошшаҳартрансхизмат» АК билан келишилган.

3. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Хусусийлаштириш, монополиядан
чиқариш ва рақобатни ривожлантириш
давлат қўмитаси раиси**

Д. ХИДОЯТОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 17 февраль,
01/10-26/05-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 17 февраль,
14-сон

Келишилган:

**«Тошшаҳартрансхизмат»
АК бошқаруви раиси**

О. СОДИҚОВ

2015 йил 17 февраль